



Астрободадн келаётган подшоҳ хазратлари Хўжа Аббос мавзесига келганда тахтиравондан тушди. Негаки уни бир умрлик дўсти кутиб олаётганди. Аммо негадир дўсти подшо билан дийдорлашмоқ учун отдан тушиб келаётса-да, юришга куввати колмаётгандай кўринди. У бир кўлини Хўжа Абдуллонинг елкасига, иккинчи кўлини Хондамирнинг кифтига кўйиб тахтиравонга яқинлашди ва подшоҳ хазратларининг кўлини ўпдию, холсизланиб ерга ўтириб колди. Беҳуш бўлиб колган киши Мир Алишер Навоий хазратлари эди.

Болаликдан бирга вояга етгани боис вақт ўтиб подшоҳ ва вазир даражасига чиккан Хусайн Бойкаро ва Алишер Навоий дўстлиги умрбод давом этди. Алишернинг оиласи ва кариндош-уруглари темурийлар хонадонига яқин амалдорлардан бўлиб, отаси Гиёскадин Кичкина Абулкосим Бобурнинг сарой амалдорларидан, кейинрок эса Сабзавор шахрига ҳоким ҳам бўлганди. Бу ҳолат ака-укалар Бахлулбек, Алишербек ва Дарвешалибекларнинг болаликдан темурий шахзодалар билан мактабда ўқишига сабаб бўлди.

Гарчи Хуросонда тожу тахт учун бўлган курашлар боис Гиёсиддинлар оиласи Ирокка кўчса-да, Алишер ёшлигида Машхад ва Самарканддан Хиротга келиб, аввалига саройда мухрдор, кейин вазир, Астробод ҳокими бўлиб ишлади. Навоийнинг акаси Шайх Бахлулбек ўша вақтда Хуросонга карашли бўлган Хоразмнинг, укаси Дарвешали Балх вилоятининг ҳокими бўлиб фаолият кўрсатишганди. Гиёсиддиннинг учала ўгли — Бахлулбек, Алишербек ва Дарвешалибекларнинг вилоятларга ҳоким бўлиши Хусайн Бойкаронинг уларга бўлган ишончу эътибори туфайли эди.

Аммо ҳамма даврларда бўлганидек, сарой ўйинлари туфайли баъзида ораларида келишмовчилик, бир-бирини тушунмаслик ҳолатлари ҳам бўлиб турарди. Гарчи Навоий бутун умрини ижодга бахшида килиш ниятида эгаллаб турган мансабларидан бир неча бор истеъфога чиккан бўлса-да, Хусайн билан болаликдан дўстлиги сабаб, салтанат ишларидан узоклашиб кетолмасди. Унга подшоҳ инъом килган кўплаб ер-сув, мол-мулкни ҳам турли мавзеларда 52 работ, 16 кўприк, 20 хонакоҳ, 9 ҳаммом ва 20 та ховуз ташкил этишга сарфлоди. Ўн саккиз минг шохрухий динордан иборат бир кунлик даромадиниям хайр-саховатга бағишлади. Хатго салтанат юмушлари деб хаж зиёратига бориш ҳам йилдан-йилга ортга сурилди.

Вақт ўтиб, Хусайн Бойкаро салтанати ҳам шахзодалар ўртасидаги жангу жадаллар туфайли бекарор ҳолатга бориб колганди. Хусусан, Навоий Машхадда бўлган пайти-да келгусида адолатли ҳукмдор бўлади, дея орзу килган шахзода Мўмин Мирзонинг 1497 йил ўлдирилиши, Бади-уззамон ва Хусайн Бойкаро ўртасидаги можароларни авжига

чикарди.

Шунингдек, Алишернинг фарзанди каби якин бўлган жияни Хайдарбекнинг 1499 йилда давлатдан норози кайфиятдаги киши сифатида катл этилиши, укаси Дарвешалининг Балх хокимлигидан бўшатилиши, малика Хадичабегимнинг турли фитна ва игволари туфайли салтанатдаги ўзаро низоларнинг кучайиши 1500 йилга келиб Алишербекнинг соғлигига катта таъсир килиб, декабр ойидан ўзини ёмон сезадиган, бош оғриши, қўл титроғи тез-тез безовта киладиган бўлди. Бу пайтда даҳо шоир 59 ёшда бўлиб, касаллигига карамай, ҳамиша мўйсафидлардек хушёр ва доно эди.

Шу боис Хусайн Бойкаронинг исён кўтарган ўғли Муҳаммад билан ярашганидан хурсанд бўлиб, 1500 йил жумодул-охир ойининг 6-санасида, хабар келган захоти бир гуруҳ амалдорлар билан йўлга чикди. Жума кунида улар отда Хўжа Аббос мавзесида подшоҳни кутиб олдилар ва шу ерда Навоий хазратлари хушидан кетди.

Бундан ташвишланган Хусайн Бойкаро дўстини тахтга ётқизиб, Хўжа Абдуллога беморнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришни топширди. Навоийнинг ташки кўриниши ва томир уришида сакта аломатлари кўриниб қолганди. Сакта — инсулт ёки бошқача айтганда миёга қон қуйилиши эди. Бунинг давоси эса қон олиш бўлган.

Бир гуруҳ табиблар касалдан шу ернинг ўзида қон олишни таклиф қилишади. Аммо сарой табиби бўлган Низоматдин Абдулхай бирон хато бўлиши мумкинлигини, шоирни Хиротга олиб бориб, ўша ерда қон олишни афзал ҳисоблайди. Бу фикрни Хусайн Бойкаро бемор учун маъсул деб белгиланган Хўжа Абдулло ҳам маъқуллагач, беҳуш ҳолатдаги Навоий хазратларини Хирот томон олиб кетдилар.

Йўлда касаллик аломатлари кучайгач, Хондамир (1475-1535) Хўжа Абдуллога, агар қон олиш кечиктирилса, даво-лашдан фойда бўлмаслигини айтади. Шунда Хўжа Абдулло бемор ҳолини кўра туриб, Хусайн Бойкаро ҳузурига — Хиротга чопар йўллаб унинг фикрини сўрайди. Бойкаро кеч бўлсада қон олишни буюради. Аммо чопар келиб бу амрни етказгунча, қолаверса, қон олувчини йигирма чақирим олисдан олиб келгунча вақт ўтганди. Яъни қон олганларида 320 граммдан ортиқ қон чиқмайди. Шу тахлит касаллиги зўрайган Навоийни жума куни ярим кечада уй-ига олиб келишади. Эртасига шанба куни эса иккинчи бор табиблар қон олмоқчи бўладилар. Бироқ, фурсат бой берилганди. Бу пайтда дўстини кўргани етиб келган Бойкаро ҳам беморни беҳуш ҳолда кўриб, вақт ўтганини англайди. Эртасига якшанба куни тонгда эса буюқ мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий миёга қон қуйилиши касаллигидан вафот этди. Бу маъшум воқеа 1501 йил 3 январь куни Хиротда рўй беради.

Кўрқоклик замиридаги хато

Сакта (миё инсулти) касаллигининг тўсатдан юз бериши натижасида Алишербек хушидан кетди. Ўша жойда бўлган Хуросон подшоҳи Хусайн Бойкаро, бир қанча амалдорлар, табиблар ва саройнинг бош табиби Абдулхай Зиёратгохий Навоий ҳаётини ажал домидан саклаб қолишга қиришдилар. Аммо нафакат табибларга, балки оддий кишиларга ҳам маълум бўлган ҳолат — сакта юз берганида биринчи навбатда бемордан қон олиш кераклигига бош табиб амал қилмади. Хўш, бундай кечирилмас хатога йўл

қўйган сарой бош табиби Абдулхай ким ва у нега бу мудхиш ишни қилган?

Маълумки, Навоийнинг хушидан кетиши 906 йилнинг жумодил-охир ойида—милодий 1500 йил декабрида, дўсти Хусайн Бойқаро Астробод юришидан Хиротга қайтаётганида юз берган. Яъни, Навоий хазратлари ҳукмдор Бойқаро жанобларини кутиб олишга пешвоз чиққан эди.

Ажабланарлиси шундаки, дўсти Алишербек тўсатдан беҳуш бўлиб қолганида, подшоҳ Бойқаро уни табибларга топшириб, ўзи Париён работига йўл олган.

Хондамирнинг «Макорим-ул-ахлоқ» асарида ёзилишича, подшоҳ кетаётганида амалдор Хўжа Абдуллога Навоийнинг холидан хабар олиб туришни топшириб, ўз тахти равони — миҳаффани қолдиради. Миҳаффа — ётиб кетиш ҳам мумкин бўлган қажава бўлиб, унинг икки томонига от қўшиб юриларди. Хўжа Абдулло Навоийни ана шу миҳаффага ётқизиб, узокдаги Хиротга йўл олди. Ваҳоланки, шу ерда ҳозир бўлган табиблар биринчи ёрдам сифатида касалдан қон олишни маслаҳат бердилар. Бироқ Хўжа Абдулло бош табиб Абдулхайнинг Навоийни Хиротга олиб бориб, бошқа табибларни ҳам йигиб, уларнинг ҳам фикрини тинглаб, кейин бирор даво чорасини топармиз, деган таклифига қўнди. Ўша жойда бўлган табиблар, амалдор ва тарихчи Хондамир эса Абдулхай ва Хўжа Абдуллога Ибн Синонинг сакта касали юз берганида, биринчи навбатда қон олиш кераклигини, кейин бемор аста-секин ўзига келиб, тузала бошлашини ёзганлигини айтишади. Аммо Абдулло бош табиб Абдулхайнинг фикрига таянади ва Навоийни олиб Хирот томон йўлга тушди.

Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» асарида қатта хатога йўл қўйган сарой табибини «табобатдан лоф уриб юрувчи» мавлоно Абдулхай Зиёратгохий», деб таърифлайди. Ҳақиқатдан ҳам, нахотки Хуросоннинг бош давлат табиби бўлмиш ул зот сакта юз берганида қон олиш кераклигидан беҳабар бўлган? Табиийки, табиблик фаолиятини қишлоқда бошлаб, Хуросондек қатта давлатнинг бош табиби бўлиш даражасига борган Абдулхай ўз фаолияти давомида юзлаб беморларни, шунингдек, сакта касалига учраганларни ҳам даволаган, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»ни ўқиган. Зеро, ўша вақтда табобат билан шугулланувчи қиши учун устозининг ўғитларига амал қилибгина қолмай, Ибн Сино асарларини ўқиш, ўрганиш ўзига хос қоидага айланганди. Шундай экан, Абдулхайдек сарой бош табиби сакта касали юз берганида, бемордан биринчи бўлиб қон олиш кераклигини билмасди, деб бўлмайди. Хўш, унда нега у беморни Хиротга олиб боргачгина даволаш керак, деб хатога йўл қўйди?!

Балки, подшоҳ дўстининг касали оғирлашса, жавобгарлик бўйнига юкланишидан чўчигандир?! Хўш, у нега иккиланиб, Хиротга боришни маъқул қўрди? Ваҳоланки, сактага қарши иккита чора бўлсагина бирини танлашга қийналиб, иккиланиши, масъулиятдан, подшоҳ қаҳридан қўрқиши мумкин эди. Бироқ ягона чора қон олиш шарт бўлган.

Шундай шароитда Навоий хазратлари миҳаффада Хирот томон олиб кетиларкан, ахволи қаян оғирлашди. Хондамир бемор учун подшоҳ маъсул қилган Хўжа Абдуллога агар ҳозир қон олинмаса, кейин даволашга чора қолмаслигини айтди. Хўжа Абдулло эса ўн саккиз километр узокда бўлган Хусайн Бойқародан махсус буйруқ қутди. Чопар подшоҳ ҳузур бориб, қайтиб қелганича беморнинг ахволи оғирлашиб, касаллик зўрайиб кетганди. Фурсат қўлдан кетгани ва подшоҳ розилик билдиргани боис, табиблар қон олганларида 300-350 граммдан зиёд қон чиқмади. Қечикиб қўлланилган чора ёрдам бермагач, Навоий Хиротга олиб келиниб, уйига ётқизилди. Ундан яна қон олишга ҳаракат қилишди. Аммо вақт ўтган эди. Шундан сўнг ахволи оғирлашган дўстини қўргани қелган Бойқаро

бутунлай беҳуш ётган Навоийнинг олдида кўз ёши тўкди.

Шу ўринда саволлар тугилади. Нахотки, Хуросон хукмдори учун хушидан кетган дўстини амалдор ва табибларга топшириб, Париён работига кетиш шунчалик зарур бўлса? Балки, ўша дамда подшоҳ Навоий ёнида бўлиб, табиблар кон олишни таклиф қилганида кўнар, эҳтимол Навоий хазратлари тузалиб кетармиди? Ахир Хондамир айтганидан сўнг Бойкарога чопар юборилганида, бемор дўсти билан подшоҳ турган макон орасидаги масофа атиги ўн саккиз километр экан-ку! Дўстининг холидан хабар олиб, даво чоралари қўллангач, Хиротга бирга борсаям бўларди-ку! Умуман, факат ўзининг айтганини афзал билиб, бошқалар фикрига таянмайдиган, кулок солмайдиган Абдулхайдек табиб давлатнинг бош табиби бўлиши, Навоий ўлимидан кейин ҳам «хато»си эътиборга олинмай, лавозимида қолдирилиши, файласуф шоир — Хуросон хукмдорининг сиёсатда мантиксиз иш юритганини англатмайдими?

Хуллас, саволлар бисёр. Тарихга факат бугунги кунда тугилган саволлар билан ёндашиб бўлмайди, албатта. Аммо, XVI асрдаёқ, Хондамирда шунга ўхшаш саволлар тугилган ва «Хабиб ус-сияр»да акс этган экан, бу «табобатдан лоф уриб юрувчи» Абдулхай Зиёратгохий катта хатога йўл қўйганини кўрсатади. Мудҳиш хато, қолаверса, тақдири азал сабабли, буюк мутафаккир ва давлат арбоби Навоий хазратлари 1501 йил 3 январь куни вафот этди.

Навоий ўзига қабр тайёрлатганмиди

Дўстининг кутилмаганда вафот этиши Байкарога шунчалик огир таъсир қилдики, у анча вақтгача ўзигъ келолмай юрди. 1501 йил 3 январдан 6 январгача дўстининг уйида аза тутиб ўтирди. Барча маъракаларга ўзи бош бўлди. Унинг учун Хиротдаги энг табарррук зиёратгоҳ қадамжо ҳам Сари Пули Инжил жомеъ масжиди ховлисидаги қабр бўлиб қолди. Зеро, бу ерга буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий хазратлари дафн этилган эди.

Қадим Хиротнинг хушманзара мухтор тоғ ён бағрида жойлашган Мусалло (Намозгоҳ)да Хуросон хукмдори Хусайн Бойкаро кўплаб меъморий обидалар бунёд қилдирганди. Уларнинг аксарияти эса Мир Алишербек хазратлари бошчилигида барпо этилган эди. Бу жойлар Алишербек учун кадрдон гўшалигининг сабаби, Мусаффо атрофидаги Баликли булоғи ёнида амакиси Хайдарбек-нинг ховлиси бўлиб, у ёшлигидан маърифатли амакиси билан гурунглашгани бу ерга тез-тез келиб турарди. Вақт ўтиб, Хуросон давлатида мухрдор, вазир ва ҳоким даражасига етишгач эса, бор бойлигига қатор иншоотлар барпо эттирди.

Айникса, Мусаллодек сўлим жойда Навоий хазратлари масжиди жомеъ, «Шифоия» шифохонаси, «Дор ул-хуффоз» (қорилар) мадрасаси, «Сафоия» хаммоми, Инжил ариғи ёқасида эса «Халосия» хонақоҳи ҳамда «Ихлосия» мадрасасини бунёд эттирганди. Қолаверса, умри ўтгани сайин Алишербек маҳзун ҳаёллар оғушида юрадиган бўлди. Ўзи «Маҳбуб ул-қулуб» асарида ёзганидек, «Бу хоксор ва паришон рўзгор қамина болалиқдан то қариликка қадар, қўхна даврон воқеаларидан, айланувчи осмон ходисаларидан, фитна кўзғовчи бўқала-мунлигидан, товламачилигидан, замонанинг ранг

сингари гуногунлигидан кўп вақт ва узок, муддат ҳар ҳаёл ва тараддудлар билан овора бўлиб юрдим... «

Ана шундай «тараддуд»лардан бири иссиқ жон эмасми, қолаверса, ўлимини бўйнига олмаган мусулмон эмас, деганларидек ўзига қабр тайёрлатиш бўлди. Алишер Навоийнинг ўзига тириклигида қабр тайёрлатиши замондошларини хайратлантирган, бу ҳолнинг сабабини тушуна олмаганлар ҳам бўлган.

Негаки, Алишербек ўзига Хиротнинг Ризавия боғи ҳовлисида, Абдулла Ансорий мазорида, Саъдиддин Қошғарий мазорида ва ўзи қолдирган Қари Пули Инжил масжиди жомеъ ҳовлисида қабр тайёрлатиб қўйганди. Навоийнинг тўртта жойдан ўзига қабр тайёрлатгани, ҳатто Абдурахмон Жомийни ҳам таажжубга қолди.

Ўша даврда яшаб ижод этган Фахриддин Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» асарида ёзилишича, баъзилар Жомийга Алишербекнинг қабр тайёрлатиб қўйганини айтиб беришганида, у «Мир Алишер бу қабрларнинг қайси бирида ётмоқчи экан ўзи» дея мутойиба ҳам қилган эканлар.

Табиийки, Навоийнинг қабр тайёрлатган масканлари хиротликлар учун энг табарруқ жойлар эди. Ҳожа Абдулла Ансорий «Қари Хирот» дея доврқ таратган пешво бўлиб, қўлаб хиротликлар ўша масканга дафн этилишини васият қилдилар. Ризавия боғи ҳам Хиротдаги энг муқаддас жой ҳисобланган. Ўз вақтида нақшбандия ҳоҷаларининг халифаси бўлган Махлоно Саъдиддин Қошғарий мазори ҳам "табарруқ" маскан эди. Тўртинчи қабр тайёрланган жой «Қари Пули Инжил» масжиди жомеъ ҳовлиси ҳам Навоийнинг тез-тез ташриф буюриб турадиган қадамжоларидан бўлган. Умуман олганда, Навоий ҳазратлари мўмин-мусулмон банда сифатида қаерга борса, олдинига табарруқ қадамжоларни зиёрат қиларди. Хиротдаги ўзига қабр тайёрлатган жойлар ҳам Навоий ҳазратлари муқтазам зиёрат қилиб турадиган масканлардан бўлган. Ҳатто, Алишербек ҳажга боравериши ортга сурилавериб, исломнинг бешинчи фарзи армонга айланажагини англағач, дўсти Ҳусайн Бойқародан Ҳожа Абдулло Ансорий зиёратгоҳининг жорубқаш (супурувчи)лигини ҳам сўраб олганди. Навоий бу қадамжога қелиб, Ансорий макбараси атрофларини супуриб қетарди. Кейинчалик эса бу ерда ҳонақоҳ қурдириб, теварак-атрофни яна ҳам обод қилди.

1501 йил 3 январда Алишербек миёга қон қуйилиш қасаллигидан вафот этгач, қариндош-уруғлари уни Қари Пули Инжил масжиди ҳовлисидаги олдиндан ўзи тайёрлатиб қўйган қабрга дафн этишади. Кейинчалик Навоий дафн қилинган масжиди жомеи хиротликлар «Қудсия», яъни муқаддас жой дея атайдиган бўлдилар.

Умид Бекмуҳаммад